



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK
OSOYISHTALIK VA JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATINING
QASHQADARYO VILOYAT BOSHQARMASI
BUYRUQ

“15” “08” 2022 y

№ 467 §/2.

Qarshi shahri

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 12 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида” 29-сонли буйруғи ҳамда сан эпид хизматнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма деб аталади)нинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 12 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида” 29-сонли буйруғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом 2-иловага мувофиқ;

манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом 3-иловага мувофиқ;

давлат харидларини ўтказиш тўғрисида низом 4-иловага мувофиқ;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома 5-иловага мувофиқ;

ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома 6-иловага мувофиқ;

контрагентларни текширишга оид йўриқнома 7-иловага мувофиқ;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган

хабарларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш регламенти 8-иловага мувофиқ;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилганда хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент 9-иловага мувофиқ;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти 10-иловага мувофиқ;

коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (Ҳ.Пардаев):

Бир ҳафта муддатда мазкур буйруқ билан тасдиқланган ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти барча ходимлар эътиборига етказилсин.

4. Ҷамоатчилик билан алоқалар бўлими (Ш.Номозов), Ахборот коммуникация технологияларни ривожлантириш бўлими (А.Инатов, Н.Раҳмонкулова):

Бошқарма веб-сайтига коррупциянинг олдини олишга доир маълумотлар киритиб борилиши таъминлансин.

5. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (Ҳ.Пардаев), Ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлил бўлими (Т.Нодиров):

ходимлар ўртасида коррупцияга қарши талабларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилсин.

Мазкур буйруқ ижроси юзасидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Бошлиқ



Т.Пакиров

Кирилди:

Ташкилий-назорат ва ахборот-
таҳлил бўлими бошлиғи



Т.Нодиров

Келишилди:

Бошлиқнинг биринчи
ўринбосари



С.Муродов

Бошлиқ ўринбосари



Д.Тошниёзов

Бошлиқ ҳисобчи



Ғ.Турдиев

Коррупцияга қарши кураш
бўйича масъул мутахассис



Ҳ.Пардаев

Юрист



С. Сайдалиев